



EURASIAN JOURNAL OF  
LAW, FINANCE AND  
APPLIED SCIENCES

Volume 5 Issue 7 (2025): EJLFAS

## CONCEPT AND TYPES OF LEGAL AND FACTUAL ERROR IN CRIMINAL LEGISLATION

**Shokirova Dilnoza Bakhodir kizi**

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan Jurisprudence:

Business Law 2nd year student

e-mail: [shokirovadilnoza484@gmail.com](mailto:shokirovadilnoza484@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17120527>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> September 2025

Accepted: 14<sup>th</sup> September 2025

Online: 15<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

Rule of accusation, qualification, intent and negligence, type or amount of punishment, civil, administrative or criminal legislation, circumstances excluding the criminality of the act.

### ABSTRACT

*This article analyzes the factors that cause the subject of the crime to not reach the end of the crime from the moment of committing the crime on the basis of legal and factual errors. In addition, the concept of legal and factual errors, as well as their legal status in the legislation, is also analyzed.*

## ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЮРИДИК ВА ФАКТИК ХАТО ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

**Шокирова Дилноза Баходир қизи**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университети Юриспруденция: Бизнес ҳуқуқи йўналиши 2-босқич талабаси

эл.почта: [shokirovadilnoza484@gmail.com](mailto:shokirovadilnoza484@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17120527>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> September 2025

Accepted: 14<sup>th</sup> September 2025

Online: 15<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

Айблов қоидаси, квалификация, қасд ва эҳтиётсизлик, жазо тури ёки миқдори, фуқаролик, маъмурий ёки жиноят қонунчилиги, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар.

### ABSTRACT

*Ушбу мақола жиноятнинг субъекти томонидан жиноят содир этилаётгандан жиноятнинг охирига етмай қолишига сабаб бўладиган омиллар юридик ва фактик хато негизда таҳлил қилинган. Бундан ташқари юридик ва фактик хато тушунчаси баробарида уларнинг қонунчиликдаги ҳуқуқий ҳолати ҳам таҳлил қилинган.*



Ҳозирги кунда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш содир этилган қилмишига нисбатан айбли муносабатни талаб қилса, инсоният ривожланишининг илк даврларида эса, объектив айблов қондаси амал қилган. Ўша даврларда тасодифан зарар етказиш ҳам жиноят ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ҳайвонлар, ҳатто, жонсиз нарсалар инсон билан бир қаторда жиноят субъекти сифатида қаралган. Қадимги Юнонистонда жонсиз нарсалар (тош, тахта ва б.) томонидан содир этилган одам ўлдириш жиноятларини кўрувчи махсус суд фаолият юритган. Бунга мисол қилиб, болта ёрдамида мол ўлдирилгани учун болтанинг жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги суд ишини келтириш мумкин [1].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига хато ҳақидаги норма мавжуд эмас. Бу ҳолни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин: биринчидан, амалдаги Жиноят кодекси Умумий қисмида роман-герман ҳуқуқ тизимида кирувчи бошқа давлатлар жиноят қонуни каби жиноят-ҳуқуқий хато ҳақидаги норма мавжуд бўлмай, хатонинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти фақат назарий жиҳатдан ўрганилган. Фактик хатони жиноий жавобгарликка таъсири ҳақида турли нуқтаи-назарлар бўлсада, юридик хато ҳеч қандай 31 жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, деган фикр ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Лекин ҳуқуқ тизимининг бугунги ривожланиш босқичида бундай фикрлар ўринли ва тўғри эмас. Бугунги кунда жиноят қонунининг кўплаб нормалари бланкет диспозицияли эканлиги қилмишни жиноийлигини ҳал қилишда бошқа норматив ҳужжатларга мурожаат қилинишини тақозо этади. Қонунда белгиланган бундай тақиқларни етук ҳуқуқшунос олим ёки тажрибали амалиёт ходими ҳам тегишли нормаларга мурожаат қилмай туриб, аниқлай олмайди. Айни шу ўринларда юридик хатонинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилишда аҳамиятга эгаллиги кўплаб давлатларнинг жиноят қонунларида ўз аксини топган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ва жиноят қонунчилигида ҳам иккита: жиноят ва жиноят таркиби тушунчалари мавжуд. ЖКнинг 14-моддасига кўра, Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Таърифдан келиб чиқсак,

- ҳуқуққа хилофлик,
- ижтимоий хавфлилик,
- айблилик,
- жазога сазоворлик каби белгилар ҳар қандай жиноят учун тегишли бўлиб, жиноятларни жиноий бўлмаган бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имконини беради.

Жиноят содир этаётган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигига, ҳуқуққа хилофлиги ва унга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо тури ёки миқдорига нисбатан янглишиши мумкин.

Барча жиноятлар учун хос бўлган бу белгиларга кўра, аниқ бир жиноятни бошқа биридан фарқлай олмаймиз. Айтайлик, қасддан одам ўлдиришни ўғрилиқ жиноятдан. Чунки бу жиноятларнинг ҳар иккиси ҳам жиноят тушунчасидаги белгиларга эга. Умумий жиноятлар ичидан алоҳида бир жиноятни ажратишда эса,



жиноят таркиби тушунчаси ишлатилади. Жиноят таркиби – жиноят қонунида муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят, деб ифодаловчи минимал ва зарурий объектив ҳамда субъектив белгиларнинг йиғиндисидир[2].

Жиноят таркиби ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида аниқлашга хизмат қилади. Жиноят содир этаётган шахс жиноят таркибининг айнан объектив белгиларига: объекти ва объектив томонига нисбатан янглишиши мумкин. Бу белгилар жиноят таркибининг объектив белгилари ҳисобланганлиги учун ҳам жиноят таркибига кирувчи объектив белгиларга нисбатан янглишиш ҳисобланади.

Ушбу ўринда юридик хато буйича олимлариз фикрини келтириб ўтадиган бўлсак, М.Х.Рустамбоевнинг таърифига кўра: “**Юридик хато** – бу содир этилаётган қилмишнинг юридик моҳияти ва оқибатларини нотўғри баҳоланиши ҳамда тасаввур қилинишидир”[3].

Аксарият олимлар ҳозирги пайтда хатони икки турга ажратадилар. Айримлари бу юридик ва фактик хатолардир дейишса, бошқалари бунга объектга ва объектив томон белгиларига нисбатан хато турларини киритадилар, учинчи гуруҳдагиларнинг фикрича эса, ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида ифодаловчи объектив ва субъектив белгиларга нисбатан хатолар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига хато ҳақидаги норма мавжуд эмас.

Юридик хатони иккига ажратиш мумкин:

- 1) қилмишнинг юридик моҳиятига нисбатан хато;
- 2) қилмишнинг юридик оқибатига нисбатан хато.

Содир этилаётган қилмишнинг юридик моҳиятига нисбатан хато деганда, қилмишнинг ижтимоий хавфли ёки хавфли эмаслиги, унинг ҳуқуққа хилоф ёхуд хилоф эмаслиги, ҳуқуққа хилоф бўлса, қайси қонунга мувофиқ жавобгарлик масаласининг ҳал қилинишига, яъни фуқаролик, маъмурий ёки жиноят қонунчилиги нисбатан янглишиш тушунилади.

Баъзи бир манбаларда эса, қилмишнинг юридик моҳиятига нисбатан хатони

- жиний жавобгарликка таъсир қилувчи;
- жиний жавобгарликка таъсир қилмайдиган турларга ажратилади.

Қилмишнинг юридик моҳиятига нисбатан хатонинг белгиларини Жиноят кодекси 229-моддасида белгиланган ўзбошимчалик жиноятида кўришимиз мумкин. Унга кўра шахс ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга оширганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу жиноятда айбдор ўз қилмишининг юридик моҳиятига нисбатан хато қилади, яъни айбдор янглиш тахмин асосида қонуний ҳаракат қилмоқдаман, деб ўйлайди, лекин у ҳуқуқларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя қилмайди ёки фараз қилинган ҳуқуқларни амалга оширади.

Юридик хатонинг иккинчи тури бўлган қилмишнинг юридик оқибатига нисбатан хатода эса, шахс содир этган жиноятининг квалификацияси ва унга нисбатан тайинланадиган жазо тури ёки миқдорига нисбатан янглишади.

Юридик хатонинг бу турини ҳам иккига ажратиш мумкин:



- қилмишнинг квалификациясига нисбатан хато;
- тайинланиши мумкин бўлган жазога нисбатан хато.

Шахснинг жиноят квалификациясига нисбатан хатосини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) содир этилган жиноятнинг ЖК Махсус қисми нормаси билан квалификация қилинишига нисбатан хато;

2) шахс содир этган қилмишини ЖК бир неча нормаси билан квалификация қилади, лекин қилмишда битта жиноят таркиби мавжуд бўлади.

3) шахс содир этган қилмишини ЖК бир нормаси билан квалификация қилади, содир этилган қилмишда жиноятлар мажмуи мавжуд бўлади.

Содир этилган қилмишга нисбатан тайинланадиган жазо миқдори ёки турига нисбатан хато ҳам ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга эмас. Чунки содир этилган жиноят учун тайинланадиган жазонинг тури ва муддатини англаш қасд ва эҳтиётсизлик мазмунига кирмайди.

Содир этилган қилмишга нисбатан тайинланадиган жазо миқдори ёки турига нисбатан хато турини шартли тарзда қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1) шахс ўз қилмиши учун тайинланадиган жазонинг миқдорига нисбатан хато қилади;

2) шахс ўзига нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазонинг турига нисбатан янглишади;

3) тайинланиши мумкин бўлган асосий ва қўшимча жазо турларига нисбатан хато.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, **Биринчидан**, жиноят квалификацияси ёки тайинланадиган жазо турига ёки миқдорига нисбатан қилинган юридик хато тури жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

**Иккинчидан**, хато шахснинг ўзи содир қилган қилмиши ва унинг оқибатига бўлган адашилган руҳий муносабатидир. Хатони юридик ва фактик турларга ажратишимиз мумкин. Бизга берилган саволдан келиб чиққан ҳолда эса, жиноят қонунчилигида юридик ва фактик хатолар:

- жиной жавобгарликка таъсир қиладиган, яъни қилмишнинг қонунга хилофлигига, қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларга нисбатан ва жиноят таркиби объектив белгиларига нисбатан хато;
- жиной жавобгарликка таъсир қилмайдиган, яъни қилмишнинг квалификациясига ва тайинланиши мумкин бўлган жазога нисбатан хато каби турларга ажратишимиз мумкин.

**Учинчидан**, Қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, фактик хатонинг айрим турлари: бир хил белгига эга шахсга ёки бир турдаги предметга нисбатан хатоларга ажратамиз.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фактик хато ҳақидаги норма киритиш буйича таклиф келтириб ўтмоқчимиз.



**References:**

1. Всемирная история. Учебник для вузов. / Под. общ. ред. академика Г.Б.Поляно. – М.: Юнити, 1997. – С. 154.
2. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Тошкент: Академия МВД Р.Узб., 1996. – С. 95-96.
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар Умумий қисм. – Тошкент: ILM ZIYO, 2006. – Б. 161